

ХАЛҚ ИРОДАСИ БИЛАН

(Ўзбекистон Республикаси Президенти
ваколатлари муддатини 1997 йилдан то 2000 йилга
қадар узайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон
Республикаси референдуми материаллари)



ПО ВОЛЕ НАРОДА

(Материалы референдума Республики Узбекистан
по вопросу продления срока полномочий
Президента Республики Узбекистан
с 1997 до 2000 года)

Ушбу китобчада Ўзбекистон Республикаси умумхалқ референдумининг тайёрланиши ва ўтказилиши тўғрисида ҳикоя қилувчи расмий ҳужжатлар ҳамда улар асосида қабул қилинган, мустақил давлатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар чоп этилмоқда.

Китобча кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

В книге публикуются официальные документы о подготовке и проведении всенародного референдума Республики Узбекистан и принятые на его основе решения, имеющие важное значение в жизни нашего независимого государства.

Сборник рассчитан на широкий круг читателей.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия
Раиси Қ.А. АҲМЕДОВНИНГ умумий таҳрири остида

Тузувчилар:


А. Н. Саъдуллаев, Ю.Я. Семенов, О. Ҳ. Олимжонов, Р. Ш. Шоғуломов

Под общей редакцией Председателя Центральной комиссии
по проведению референдума Республики Узбекистан К.А. АХМЕДОВА

Составители:

А.Н.Саъдуллаев, Ю.Я.Семенов, О.Х.Олимжонов, Р.Ш.Шагулямов

10-23926
3



ISBN 5-640-02019-9

0804000000-162
X ————— 95
М 351 (04) 95

© "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёти, 1995
© Издательство "ЎЗБЕКИСТОН", 1995

МУҚАДДИМА

1995 йил 26 март куни мамлакатимиз тарихида унутилмас кун бўлиб қолади: айни мана шу куни қонунчилик ҳокимиятининг олий органи—Олий Мажлис ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш тўғрисида умумхалқ референдуми бўлиб ўтди. Уни ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тўла мувофиқ равишда қабул қилинган эди.

Референдум давомида фуқароларнинг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг ваколатлари муддатини 2000 йилгача узайтириш зарур эканлиги тўғрисида фикр билдирдилар. Ушбу тарихий ҳужжат ғоят катта аҳамиятга эгадир. Хўш, бундай фавқулодда муҳим давлат тадбирини ўтказиш нима сабабдан зарур бўлди?

Бугун биз ҳуқуқий, демократик давлат қурмоқдамиз, эркин, адолатли жамиятни шакллантирмоқдамиз. Иқтисодий ислохотлар кўлами кенгайиб бормоқда, кўз ўнгимизда замонавий бозор иқтисодиёти барпо этилмоқда. Мана шу ўзгаришларнинг барчасида муваффақиятга эришиш учун жамиятда сиёсий барқарорлик сақланиши ва мустаҳкамланиши кафолатланган ҳамда миллатлараро тотувликка эришилган бўлиши керак, бунга эса ўз навбатида қонунчилик (Олий Мажлис орқали) ҳамда давлат ҳокимиятининг ижро (давлат бошлиғи сифатида Президент шахси орқали) тармоқлари ўзаро аниқ ва пухта келишиб ишлаган тақдирдагина эришиш мумкин. Тарихан қисқа бир муддат ичида бизнинг ёш давлатимизда барча ҳокимият тармоқларининг ваколатларини, ҳуқуқларини белгилаб, уларнинг ўзаро келишиб ҳаракат қилишига доир механизм ишлаб чиқилган ҳамда Конституцияда мустаҳкамланган, бунда ҳал қилинмаган фақат биргина масала:

вақт жиҳатдан уларнинг ҳаракатларини бир-бирига мувофиқлаштириш масаласи қолган эди, холос.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти 1991 йилнинг охирида умумхалқ овоз бериши йўли билан беш йилга, яъни 1997 йилга қадар бўлган муддатга сайланган эди, 1994 йилнинг охири 1995 йилнинг бошларида сайланган Олий Мажлис эса 2000 йилга қадар ваколат олди. Худди мана шу сабаб туфайли айтилган мазкур даврда, демократик ва бозор муносабатларига доир ўзгаришлар авж олган бир пайтда, Президент ваколатлари муддатини узайтириш зарурати пайдо бўлди. Шу муносабат билан Олий Мажлис ўзининг биринчи сессиясида 26 март куни давлатимиз бошлиғи ваколатларини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш тўғрисидаги масала бўйича умумхалқ референдуми ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Белгиланган муддатда ва Референдум тўғрисидаги Қонунга тўла риоя этилган ҳолда бўлиб ўтган референдумда халқ Президент ваколатларини узайтириш учун яқдиллик билан ўз фикрини билдирди, бу билан у республикада умуммиллий тотувликни таъминлашга қодир бўлган яхлит ҳокимият тизимини барпо этишга бўлган интилишни, демократик ҳуқуқий давлат ҳамда ривожланган фуқаролик жамияти тузишга, иқтисодий ислохотлар ўтказишга ва оқибат-натижада—одамлар турмушини тубдан яхшилашга қаратилган йўлни қўллаб-қувватлади.

Бу ерда мазкур қарорни қабул қилишдаги юксак ҳуқуқий маданият ва қонунийликни, унинг Конституция доирасида қонунга қатъий риоя этилган тарзда ўтганлигини таъкидлаш зарур. Вакиллик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолият муддатини мувофиқлаштирилганлигига эришилганлиги, шубҳасиз, ўтказилаётган янгиланиш тадбирларига катта куч бахш этади, уларни амалга оширишни жадаллаштиради.

Шундай қилиб, умумхалқ референдуми бизнинг жамиятимиз ўзи танлаб олган тараққиёт йўлига содиқ қолаётганлигини, шаклланган ҳокимият тизимларига ишонишини, тинчликка, ўзаро ҳамжиҳатликка ҳамда дунёдаги энг ривожланган мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллайдиган, келажаги буюк давлат барпо этишга интилаётганлигини яна бир бор яққол намоён этди.

Ушбу тўпلامда Ўзбекистон Республикаси умумхалқ референдумининг тайёрланиши ва ўтказилиши тўғрисида ҳикоя қилувчи расмий ҳужжатлар ҳамда улар асосида қабул қилинган, мустақил давлатимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган қарорлар чоп этилмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИ
РАИСИ ЭРКИН ХАЛИЛОВНИНГ
ОЛИЙ МАЖЛИС I СЕССИЯСИДА
СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президент!

Ҳурматли депутатлар!

Ҳозир Сиз билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини тасдиқладик. Шу муносабат билан яна бир муҳим ва долзарб масалани ҳал этиб олишимиз зарур.

Ҳаммангизга маълумки, Конституцияга мувофиқ Президент Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи ҳисобланиб (89-модда), Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари ҳамда республика органларининг бошқа раҳбарларини тайинлайди, сўнгра Олий Мажлис уларни тасдиқлайди (93-модданинг 10,9-бандлари).

Айни пайтнинг ўзида Конституциянинг 98-моддасига биноран Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилади.

Конституцияда назарда тутилган бу нормалар умум эътироф этилган нормаларга ва халқаро амалиётга тўла мос келади. Бу ҳол ҳукуматнинг қонун чиқарувчи олий орган томонидан назорат қилиб турилишини таъминлайди ҳамда қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият тизимлари баҳамжиҳат ишлашига кўмаклашади.

Ҳаммангизга яхши маълумки, аввалги парламент 1990 йилда 5 йилга сайланган эди. Унда Ўзбекистон ҳали мустақилликка эришмаган бўлиб, СССР таркибига кирар эди, аввалги парламентнинг ваколоти 1995 йилнинг февраль ойида тугади.

Конституцияга мувофиқ айни бир вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти эса (89-модданинг 2-қисми) 1991 йил декабрининг охирида умумхалқ овоз бериши йўли билан беш йил муддатга, яъни 1997 йилгача сайланган.

Шундай қилиб, янги сайланган парламентимиз 2000 йилгача ваколатли бўлганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ҳамда Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги вақтда номутаносиблик таркиб топди.

Шу билан бирга бу ҳолат натижасида республика ҳукумати парламент ваколати муддати даврида икки марта, яъни парламент сайланганда ва Президент сайланганда тайинланиши ва тасдиқланиши мумкин бўлиб қолади.

Ваколат муддатлари ўртасидаги фарқ мавжудлиги ҳукуматни шакллантириш масаласида ҳам муайян қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки уни шакллантириш вақтида бугунги кунда Олий Мажлисда мавжуд бўлган сиёсий фракциялар ва блокларнинг манфаатларини ҳисобга олиш ҳам бошқа омиллар сингари муҳим ўрин тутди.

Эндиликда парламентга сайлов кўппартиялилик асосида ўтиши муносабати билан ҳукумат таркиби ҳам шунга мутаносиб бўлиши ҳамда парламентдаги сиёсий ва ижтимоий кучлар нисбатини ўзида акс эттириши зарур. Бу эса ҳамжиҳатликка эришишга, жамиятда барқарорлик бўлишига кўмаклашади.

Бундан ташқари ўз сайловчиларининг хоҳиш-иродасини ифода этувчи Олий Мажлис билан умумхалқ сайлови йўли билан сайланган ва айни пайтда ижроия ҳокимиятининг раҳбари бўлган Президент ваколатлари муддати ўртасидаги номутаносиблик уларни умумий мақсадга эришишга қаратилган баҳамжиҳат, келишиб ишлашларига ҳалақит беради. Агар биз бундан буён ҳам ижтимоий ва фуқаролар тотувлигини, жамиятда барқарорликни таъминламоқчи бўлсак, бу номутаносибликни бартараф этишимиз лозим.

Шу муносабат билан ҳокимиятнинг ҳар иккала структураси ҳаракатларининг уйғунлигини таъминлаш ва объектив сабабларга кўра қонунчилик амалиётида таркиб топган бу номутаносибликни тузатиш учун Президент ва парламент сайловини бир хил муддатда ўтказиш ёки Президент ва парламент сайловлари муддатларини яқинлаштириш мақсадга мувофиқ бўлса керак.

Ушбу муаммони ҳал этиш йўлларида бири—Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача, яъни Олий Мажлис ваколат муддатлари тугагунча узайтиришдир. Президент умумхалқ овоз бериши йўли билан сайланган экан, Конституцияга мувофиқ, унинг ваколат муддати фақат референдум асосида узайтирилиши мумкин.

Шундай қилсак, умумий ишимиз фақат фойда кўради дейиш учун барча асослар мавжуд. Агар парламент, Президент ва ҳукумат ўз фаолиятини тахминан бир пайтда бошлаб

Президент сайлови даврида ҳам, шунингдек парламент сайлови пайтида ҳам сайловчилар маъқуллаган дастурни ҳаётга татбиқ қилишга биргаликда киришсалар, бу ҳол Ўзбекистон халқи манфаатларига тўла жавоб беради деб айтиш мумкин.

Шу сабабли агар муҳтарам Ислом Абдуғаниевич фикрларимизни асосли деб ҳисоблаб, рози эканликларини билдирсалар, депутатлар эса бу таклифни қўллаб-қувватласалар, бугун биз шундай қарорга келишимиз керак. Бу эса сиёсий барқарорликни ва миллий тотувликни сақлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради. Бинобарин, биз амалга ошираётган ислохотларнинг муваффақияти учун бу ўта муҳимдир.

Масалани шу тарзда қўйиш ва ҳозирги шароитда умумхалқ референдумини ўтказиш—Президент сайловини муддатидан илгари ўтказиш билан баробардир. Чунки халқнинг ўзи яширин овоз бериш йўли билан Президент шахсига яна бир бор ўз муносабатини билдирибгина қолмай, шу билан бирга у ўтказаетган сиёсатга ҳам ўз муносабатини ифода этади.

Лекин ушбу тадбир сиз учун қанчалик оғир синов бўлишидан қатъи назар, ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, парламент фаолиятининг бошиданоқ Президент, ҳукумат ва парламент ишида уйғунлик бўлиши учун, республикада сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш учун биз киритган таклифга тўғри қараб, ўз розилигингизни билдирасиз деб ўйлайман.

Ҳурматли депутатлар!

Умумхалқ сайлови йўли билан сайланган Президентнинг ваколатлари фақат халқ томонидан узайтирилиши мумкинлиги муносабати билан ва юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда шу йилнинг 26 март куни давлат бошлиғи И. А. Каримовнинг ваколат муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида референдум ўтказишни таклиф қиламан.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, якшанба куни Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилсин.

2. Референдумда овоз бериш бюллетенларига қуйидаги мазмундаги савол киритилсин: "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?".

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси*

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 24 февраль

УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан Республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ референдумини ўтказишга қарор қилинди.

Парламент Қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

Биринчидан. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан Президент айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айна ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқаруving самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда, иқтисодиётимизда оламшумул ислохотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қиладиган бир пайтда, лўнда

қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

Иккинчидан, дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши, уларнинг келажақда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айтишу даврдаги онги ва қайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Учинчидан, ўтказиладиган референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатиغا, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислохотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

Тўртинчидан. Бугун—режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айтишундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларининг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ
ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛАДИГАН
ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 24 февралдаги қарори ва "Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига мувофиқ ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг тақдимномаларига биноан Марказий комиссия қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси референдуми ўтказиладиган қуйидаги округлар тузилсин:

1. Тошкент шаҳар округи
(Маркази—Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй, шаҳар ҳокимлиги биноси).
Тошкент шаҳри чегараси доирасида.
2. Андижон округи
(Маркази—Андижон шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 126-уй, Кенгашлар уйи).
Андижон вилояти чегараси доирасида.
3. Бухоро округи
(Маркази—Бухоро шаҳри, Академик Мўминов кўчаси, 1-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Бухоро вилояти чегараси доирасида.
4. Жиззах округи
(Маркази—Жиззах шаҳри, Мустақиллик майдони, 6-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Жиззах вилояти чегараси доирасида.
5. Навоий округи
(Маркази—Навоий шаҳри, Халқлар Дўстлиги кўчаси, 77а-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Навоий вилояти чегараси доирасида.
6. Наманган округи
(Маркази—Наманган шаҳри, Абдусаттор Раҳимов кўчаси, 57-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).

- Наманган вилояти чегараси доирасида.
7. Самарқанд округи
(Маркази—Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Самарқанд вилояти чегараси доирасида.
 8. Сирдарё округи
(Маркази—Гулистон шаҳри, Мустақиллик проспекти, 60-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Сирдарё вилояти чегараси доирасида.
 9. Сурхондарё округи
(Маркази—Термиз шаҳри, Гагарин кўчаси, 34-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.
 10. Тошкент вилоят округи
(Маркази—Тошкент шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 51-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Тошкент вилояти чегараси доирасида.
 11. Фарғона округи
(Маркази—Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Фарғона вилояти чегараси доирасида.
 12. Хоразм округи
(Маркази—Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй, Кенгашлар уйи).
Хоразм вилояти чегараси доирасида.
 13. Қашқадарё округи
(Маркази—Қарши шаҳри, Мустақиллик проспекти, 1-уй, вилоят ҳокимлиги биноси).
Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.
 14. Қорақалпоғистон округи
(Маркази—Нукус шаҳри, Гарезсизлик кўчаси, 50-уй, Республика Жўқорғи Кенгесининг биноси).
Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

*Ўзбекистон Республикаси
референдумини ўтказувчи
Марказий комиссия Раиси*

Қ. АҲМЕДОВ

*Ўзбекистон Республикаси
референдумини ўтказувчи
Марказий комиссия Котиби*

А. АНОРҚУЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ
ҚАРОРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ
ЎТКАЗУВЧИ ОҚРУГ КОМИССИЯЛАРИНИ
ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

"Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"-
ги Республика Қонунининг 18-моддасига мувофиқ, Тошкент
шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ҳамда Қорақалпоғистон
Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномалари-
га биноан, Марказий комиссия қарор қилади:

Ўзбекистон Республикаси Референдумини ўтказувчи 14
та округ комиссиялари қуйидаги таркибда тузилсин:

1. Тошкент шаҳар округ комиссияси

Комиссия раиси:

Жалилов Шухрат
Илҳомович — Тошкент шаҳар ҳокимининг
ўринбосари

Раис ўринбосари:

Зокиров Низомиддин
Дониевич — Тошкент шаҳар Адлия бошқар-
маси бошлиғи

Комиссия котиби:

Яцуненко Зинаида
Филипповна — "Ўзбум" ижарадаги корхона каса-
ба уюшмаси қўмитасининг раиси

Комиссия аъзолари:

Галиев Рамиль
Хаирович — Инженер-техник изланишлар
институти директори
Липина Валентина
Ивановна — "Ўзбекистон" терини қайта иш-
лаш ҳиссадорлик жамияти кон-
тролёри

Расулов Ботир
Қодирович — 5-Таксопарк аккумуляторчиси

Сотников Юрий
Дмитриевич — Тошкент шаҳар Фахрийлар
кенгаши раисининг ўринбоса-
ри

- | | |
|-------------------------------|--|
| Соҳибов Яшин
Даминович | — Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти директори |
| Турсунова Азиза
Акрамовна | — Болалар суяк-сил касалликлари санаторияси бош шифокори |
| Умаров Баҳодир
Валиевич | — "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандислик марказининг раҳбари |
| Эрназаров Эркин
Мадиёрович | — "Тошкент оқшоми", "Вечерний Ташкент" газеталари бош муҳаррири |

2. Андижон округ комиссияси

Комиссия раиси:

- | | |
|----------------------------|---|
| Юсупов Машарип
Юсупович | — Андижон вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари |
|----------------------------|---|

Раис ўринбосари:

- | | |
|----------------------------------|---|
| Акбаров Неъматжон
Набижонович | — Давлат мулкани хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси бошлиғи |
|----------------------------------|---|

Комиссия котиби:

- | | |
|---------------------|---|
| Ортиқов Раҳмонберди | — Андижон шаҳар меҳнат ва бандлик (меҳнат биржаси) бўлимининг бошлиғи |
|---------------------|---|

Комиссия аъзолари:

- | | |
|-------------------------------------|---|
| Абдурахмонова
Умнатхон | — Олтинқўл тумани Кўмакай қишлоқ амбулаториясининг шифокори |
| Омонов Рустамжон | — Избоскан туман коммунал-хўжалик бошқармасининг бошлиғи |
| Тўрақулов Каримжон
Абдушукурович | — Андижон шаҳар 6-поликлиника шифокори |
| Қирғизбоев Икромжон | — Асака шаҳар 1-пахта тозалаш заводи бўёқчиси |
| Қозоқов Шавкат
Умурзоқович | — Булоқбоши тумани 1-ўрта мактаб директори |
| Қорабоев Мўйдин | — Андижон шаҳар "Электродвигатель" заводи техника назорати бўлимининг бошлиғи |

3. Бухоро округ комиссияси

Комиссия раиси:

Ҳамроев Қобил Шаропович — Бухоро вилояти ҳокимлиги адлия бошқармасининг бошлиғи

Раис ўринбосари:

Ражабова Мавлуда Солижонова — Бухоро вилоят енгил саноат ходимлари қасаба уюшмаси қўмитасининг раиси

Комиссия котиби:

Ҳамроева Мастура Исмоиловна — Ёшлар иттифоқи вилоят қўмитаси қошидаги болалар ва ўсмирлар уюшмасининг раиси

Комиссия аъзолари:

Бобоев Асрор Аслонович — Вобкент тумани Р. Хусенов номли жамоа хўжалиғи бошқарувининг раиси

Власова Ирина Федоровна — Когон тумани ҳокимлиги истиқболни белгилаш ва статистика бўлими мутахассиси

Мирхонов Шавкат Паноевич — "Аму-Бухороканалқурилиш" бошқармасига қарашли 6-Пешку механизациялашган кўчма колонна бошлиғи

Усмонов Баҳрон — Гиждувон тумани 21-ўрта мактаб директори

Худдиев Бахтиёр Турдиевич — Олот туман тадбиркорлар уюшмасининг раиси

Шарипов Истам — Жондор туман Ромиш қишлоқ фельдшер-акушерлик пункти шифокори

4. Жиззах округ комиссияси

Комиссия раиси:

Узоқов Байрамбек — Жиззах вилоят ҳокимининг ўринбосари

Раис ўринбосари:

Скрипкин Александр Иванович — Вилоят истиқболни белгилаш ва статистика бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Комиссия котиби:

- Холматов Илҳом
Инатович — Республика давлат телерадио-
компаниясининг вилоят бўйича
мухбири

Комиссия аъзолари:

- Бўстонов Хонтўра — Жиззах шаҳар таксомотор пар-
ки директори ўринбосари
Исматов Исоқжон — вилоят ички ишлар бошқарма-
си тергов бўлими бошлиғи
ўринбосари
Муродов Шароф — Ғаллаорол тумани асаларичилик
ширкат хўжалиғи директори
Мустафоев Раҳматулла — Пахтакор туман марказий ка-
салхонаси бўлими мудир
Муталова Дилзода — Дўстлик тумани фуқаролик ҳола-
тини қайд этиш бўлими мудир
Абдурахмоновна — Мирзачўл тумани мева-сабзавот
Нурманов Тастанбек — тайёрлаш-сотиш идораси бошлиғи
Абдирашев

5. Навоий округ комиссияси

Комиссия раиси:

- Алиқулов Акрамқул
Алиқулович — Навоий вилоят ҳокимининг би-
ринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:

- Агарков Валерий
Федорович — Зарафшон шаҳридаги "Агама"
қўшма корхонасининг бош ди-
ректори

Комиссия котиби:

- Караматов Одил — Вилоят ҳокимлиги ташкилий ва
кадрлар билан ишлаш бўлими
мудирининг ўринбосари

Комиссия аъзолари:

- Воҳидов Даврон
Аҳрорович — Вилоят агросаноат уюшмаси
ходимлари касаба уюшмаси
қўмитасининг раиси
Досжонов Абдурахмон — Конимех туман ҳокимининг
Абдижанович ўринбосари

- Мамашаев Олим Мирзаевич — Навбахор туманидаги "Янгиқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини котиби
- Мотаев Ҳафиз — Қизилтепа тумани электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи
- Шодиев Исмоил — Навоий тумани халқ таълими бўлимининг инспектори
- Ўринов Баҳриддин — Хатирчи тумани бош меъмори

6. Наманган округ комиссияси

Комиссия раиси:

- Каримов Маҳмадҷон — Наманган шаҳар ҳокими

Раис ўринбосари:

- Муҳитдинов Муслимхўжа Нуъмонович — вилоят хўжалик судининг раиси

Комиссия котиби:

- Гапаров Адҳам Ҳасанбоевич — Тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг раиси


Комиссия аъзолари:

- Абдурахмонов Райимҷон Мамаҷонович — Чуст шаҳар бош меъмори
- Мирзаҳмедов Аҳмадҷон — Уйчи тумани санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори
- Орипов Мўйдинхон Бурганхонович — Косонсой педагогика билим юрти директори
- Табаров Аҳмад — Янгиқўрғон тумани кино-видео идораси директори
- Турсунов Муҳаммад Усмонович — Мингбулоқ тумани марказий касалхонаси бош шифокорининг ўринбосари
- Убайдуллаев Мамасоли Убайдуллаевич — "Наманганбанк" акционерлик-тижорат банки бошқарувчиси

7. Самарқанд округ комиссияси

Комиссия раиси:

- Холиқов Неъмат Холиқович — Самарқанд вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари



Раис ўринбосари:

Мамадалиев Абдуғаффор — Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг бошлиғи

Комиссия котиби:

Меликова Сайёра — Самарқанд шаҳридаги 21-ўрта
Муҳаммадиевна мактаб директори

Комиссия аъзолари:

Боитов Эшназар — Гўзалкент туманидаги "Беш
Пирназарович қаҳрамон" қишлоқ фуқаролар
йиғинининг раиси

Мирзаев Бекмурод — Нуробод тумани "Улус" ижа-
ра хўжалигининг раиси

Моисеев Владимир — Самарқанд чой қадоклаш фаб-
Михайлович рикасининг директори

Юсупов Адаш Боёрович — Ургут тумани матлубот уюш-
маси бошқарувининг раиси

Якутилов Ари Яковлевич — Самарқанд шаҳар болалар сто-
матология поликлиникасининг
бош шифокори

Қурбонов Фарҳод — Республика "Соғлом авлод
Ҳожиевич учун" хайрия жамғармаси ви-
лоят бўлимининг директори

8. Сирдарё округ комиссияси

Комиссия раиси:

Усмонов Собиржон — Сирдарё вилояти ҳокимининг
ўринбосари

Раис ўринбосари:

Исоқулов Бобомурод — Сирдарё вилоят Адлия бошқар-
маси бошлиғининг биринчи
ўринбосари

Комиссия котиби:

Сулаймонова Муяссар — Вилоят соғлиқни сақлаш ходим-
Умарқуловна лари касаба уюшмаси қўмита-
сининг инструктори

Комиссия аъзолари:

Расулов Шукрулло — Оқолтин туманидаги А. Мама-
Жониқулович тов номли ихтисослашган мак-
таб директори

- | | |
|--------------------------------|---|
| Тўрабеков Тожиқул | — Мирзаобод туманидаги "6-Ширкатлар" маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли |
| Холбоев Абдуғаппор | — Сайхунобод тумани профилактика-дезинфекция станцияси бошлиғи |
| Шакаров Маъмуржон
Суханович | — Сирдарё тумани Малик қишлоқ хўжалиги техникуми директорининг ўринбосари |
| Шербина Сергей
Павлович | — Янгиер шаҳар ижтимоий-суғурта жамғармаси етакчи мутахассиси |
| Юнусов Содиқхўжа | — Боёвут тумани "Деҳқонобод" жамоа хўжалиги гараж мудир |

9. Сурхондарё округ комиссияси

Комиссия раиси:

- | | |
|------------------------------------|--|
| Норпўлатов Нормейли
Нортўраевич | — Сурхондарё вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари |
|------------------------------------|--|

Раис ўринбосари:

- | | |
|----------------------------------|--|
| Маматқулов Мамаражаб
Обулович | — "Жарқўрғон ҳақиқати" газетаси муҳаррирининг ўринбосари |
|----------------------------------|--|

Комиссия котиби:

- | | |
|----------------|---|
| Чориева Назира | — Қизириқ тумани фуқаролик ҳолатларини қайд этиш бўлими мудир |
|----------------|---|

Комиссия аъзолари:

- | | |
|--|--|
| Ёқубов Шавкат
Арслонович | — Вилоят электр-алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бош муҳандиси |
| Мустафоқулов
Тиловмурод
Ғаффорович | — Вилоят "Маҳалла" жамғармасининг раиси |
| Муҳаммадиев Худоёр
Холиқулович | — Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи |
| Останақулов Нуриддин
Исмадиёрович | — Вилоят давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш бошқармаси бошлиғи |
| Старинин Виктор
Иванович | — 360-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна бошлиғи |
| Эсонниёзов Ўқтам
Пардаевич | — Вилоят почта алоқаси корхонаси бошлиғи |

10. Тошкент вилоят округ комиссияси

Комиссия раиси:

Жаҳонгирова Дилбар — Тошкент вилоят ҳокимининг
Набиевна ўринбосари

Раис ўринбосари:

Ермоленко Виктор — Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон
Петрович қийин зрийдиган ва ўтга чидам-
ли металллар комбинати бўли-
мининг бошлиғи

Комиссия котиби:

Насимов Нўъмон — пенсионер
Насимович

Комиссия аъзолари:

Абдукабиров Одилжон — Бекобод тумани механизация-
лашган кўчма колонна бошлиғи
Бурхонова Ирина — Тошкент тумани 32-ўрта мак-
Фаридовна таб директори
Коренной Николай — Ангрен шаҳридаги "Ўзбекшах-
Степанович тақурилиш" трестининг бошқар-
увчиси
Маковеев Владимир — Олмалиқ шаҳридаги Ўзбекистон
Яковлевич ихтисослашган қурилиш-
таъмирлаш бошқармаси каса-
ба уюшмаси қўмитаси раиси
Муҳамедов Вали — вилоят Фахрийлар кенгаши ра-
Муҳамедович исининг ўринбосари
Саидвалиев ўроз — Юқоричирчиқ тумани "Ўзбе-
кистон" жамоа хўжалиғи му-
ҳандис-механиги
Ҳосилов Бахтиёр — вилоят молия бошқармаси
Олимович бошлиғи
Қамбарова Клара — вилоят "Китобхон" жамияти
Содиқовна раиси

11. Фарғона округ комиссияси

Комиссия раиси:

Холматов Орипжон — Фарғона вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Раис ўринбосари:
Абдуллаев Убайдулло — вилоят Фахрийлар кенгашининг
раиси

Комиссия котиби:

Исоқов Аҳаджон — вилоят ҳокимлиги ташкилий ва
Иброҳимович кадрлар билан ишлаш бўлими
етакчи мутахассиси

Комиссия аъзолари:

Абдуллаев Неъмат — "Беҳизор" жамоа хўжалиги
бошқаруви раиси
Дарвишев Қодирхон — Бувайда тумани ҳокимининг би-
Сайдалиевич ринчи ўринбосари
Имомов Таваккал — Қува тумани ҳокимининг бирин-
Қўчқорович чи ўринбосари
Маҳмудова Робахон — Фарғона вилоят адлия бошқар-
Анваровна маси бошлиғининг биринчи
ўринбосари
Муллажонов Қодиржон — Фарғона вилояти Давлат солиқ
бошқармасининг бошлиғи
Пўлатов Ўқтамжон — Бешариқ тумани ҳокимлигининг
ҳуқуқшуноси
Сўйинбоев Сотволди — Учкўприк тумани ҳокимининг
биринчи ўринбосари
Фозилов Иброҳим — Қўқон қурилиш материаллари
Набиевич ишлаб чиқариш бирлашмаси
бош директорининг ўринбосари

12. Хоразм округ комиссияси

Комиссия раиси:

Раҳмонов Эркин — Хива шаҳар, туман ҳокими
Абдуллаевич

Раис ўринбосари:

Собиров Одилбек — Урганч шаҳар ижтимоий таъ-
Саидович минот бўлими мудир

Комиссия котиби:

Искандаров Рустам — Республика "Маънавият ва маъ-
Болтаевич рифат" жамоатчилик маркази
Хоразм вилояти бўлими мудир

Комиссия аъзолари:

- | | |
|----------------------------|--|
| Болтаев Самандар | — Қўшқўпир туман марказий маданият уйи директори |
| Ёқубов Рўзмет | — Вилоят ҳокимлиги архив бўлимининг мудир |
| Мирзаев Раҳим | — "Туямўйингидрострой" қурилиш-монтаж трестига қарашли 20-хўжалик ҳисобидаги автокорхона муҳандиси |
| Худойберганов
Маҳкамбой | — Боғот тумани савдо-ҳиссадорлик жамиятига қарашли автоколонна директори |
| Қиличев Юсупбой | — Хонқа тумани "Хоразм" жамоа хўжалиги касаба уюшмаси қўмитасининг раиси |
| Қурбонбоев Озод | — Урганч шаҳридаги 96-ихтисослашган мактаб-интернат директори |

13. Қашқадарё округ комиссияси

Комиссия раиси:

- | | |
|-----------------------------|--|
| Козимов Исмоил
Хидирович | — Қашқадарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари |
|-----------------------------|--|

Комиссия раиси:

- | | |
|----------------|---|
| Тожиев Шомурод | — Яккабоғ тумани 2-жарроҳлик касалхонасининг бош шифокори |
|----------------|---|

Комиссия котиби:

- | | |
|--------------------------|--|
| Набиев Шамси
Набиевич | — "ЭКОСАН" халқаро саломатлик жамғармаси вилоят бўлимининг раиси |
|--------------------------|--|

Комиссия аъзолари:

- | | |
|------------------------------|---|
| Ашурова Шарофат | — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби |
| Корсун Александр
Иванович | — Вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармасининг бош мутахассиси |
| Пўлатов Ашур
Маманиёзович | — Баҳористон тумани Давлат солиқ инспекцияси бошлигининг ўринбосари |

- Самадов Салим — Қарши тумани давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи
- Эргашев Фулом — Чироқчи туманидаги "Қўқдала" таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонасининг бош муҳандиси
- Эшонқулов Одил
Оstonович — Касби туманидаги "Ғалаба" жамоа хўжалигидаги ширкат раиси
- Қиёмов Равшан — Шаҳрисабз тумани 10-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колоннасининг бошлиғи
- Ҳақназаров Қажом — Косон тумани "Қўнғиртов" жамоа-ширкат хўжалиги бригада бошлиғи

14. Қорақалпоғистон округ комиссияси

Комиссия раиси:

- Наримбетов Жанабай — Нукус давлат педагогика институти проректори

Раис ўринбосари:

- Михайлов Алексей
Константинович — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ишлар бошқармаси бўлимининг бошлиғи

Комиссия котиби:

- Калбаева Калжан — Нукус тумани 4-ўрта мактаб ўқитувчиси

Комиссия аъзолари:

- Абдреймов Азатбай
Кубеевич — Қўнғирот шаҳар молия бўлими иқтисодчиси
- Алисанов Бисенбай — "Ватанпарвар" жамияти Хўжайли туман Кенгашининг раиси
- Дошанов Нагматдин — Чимбой шаҳар ҳокимлиги қошидаги яқка тартибдаги тураржой қурилиш ширкатининг муҳандиси
- Оралбаева Назбиби — Қоракўз туман қишлоқ участка касалхонасининг бош шифокори
- Сейтекеев Дарибай — Қанлиқўл туман ҳокимлиги ташкилий ишлар бўлими мудири
- Шерниязов Бахи
Махамбеталиевич — Кегейли туман М. Жуманазаров номли жамоа хўжалиги кадрлар бўлимининг бошлиғи

Ўразалиев Егамберган

— Беруний шаҳар халқ таълими бўлими метод кабинетининг мудир

Қаландаров Хажихан
Матёқубович

— Эллиққалъа туман ҳокимлигининг етакчи мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси
Референдумини ўтказувчи
Марказий комиссия Раиси

Қ. АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси
Референдумини ўтказувчи
Марказий комиссияси Котиби

А. АНОРҚУЛОВ

1995 йил 2 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ
АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисида"ги 1995 йил 24 февралдаги қарорига мувофиқ, шу йил 26 мартда умумхалқ референдуми бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи қўйилди.

Референдумда овоз беришда 11 245 028 нафар фуқаро, яъни овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон фуқароларининг аксарият кўпчилиги қатнашди. Дастлабки маълумотларга кўра, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтиришни ёқлаб чиқди.

Референдумнинг узил-кесил яқунлари яқин кунлар ичида чиқарилади ва Ўзбекистон Республикасининг барча оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ РЕФЕРЕНДУМ
ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ
АХБОРОТИ**

1995 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтди.

Комиссия мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи юзасидан 1995 йил 26 мартда ўтказилган умумхалқ референдуми натижалари кўриб чиқилди. Республика бўйича овоз бериш уюшқоқлик билан, "Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш натижалари тўғрисида 14 округ комиссияси тақдим этган баёнларни кўриб чиқиб, овоз бериш республика ҳудудида ташкил этилган 7257 участканинг ҳаммасида, шунингдек, мамлакатимиз чет давлатлардаги ваколатхоналари қошида ташкил этилган 25 участкада референдум тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этади.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11 319 447 нафар фуқародан 11 245 028 нафари ёки 99,3 фоизи референдумда қатнашди, "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?" деган саволга 11 199 415 нафар фуқаро ёки овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди. *(Жадвалга қаранг)*

Шундай қилиб, мамлакат фуқароларининг мутлақ кўпчилиги Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берди, давлатимиз Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида тараққиётнинг тўғри йўлидан бораётганлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу эса ҳокимиятнинг ҳамма тармоқлари

Округлар номи	Участ-калар сони	Овоз Берил- рўйхатга юритилган фуқароларнинг умумий сони	Овоз Берил- учун бюлле- тень олган фуқаро- лар сони	%	Овоз берилда қат- нашган фу- қаролар сони	%	Еқаб овоз берган фуқаро- лар сони	%	Қарин овоз берган фуқаро- лар сони	%	Хатий эмас деб топил- ган бюлле- тенлар сони
Тошкент шаҳри	668	1209656	1176502	97,2	1176407	97,2	1165437	99,1	10467	0,9	503
Андижон	501	1018187	1017544	99,9	1017544	99,9	1016875	99,9	643	0,1	26
Бухоро	340	653555	651717	99,7	651645	99,7	649927	99,7	1696	0,3	22
Жиззах	395	398271	397781	99,8	397781	99,8	397150	99,8	620	0,2	11
Навоий	308	377226	373433	98,9	373404	98,9	372468	99,7	936	0,3	-
Наманган	476	865985	865712	99,9	865712	99,9	864426	99,8	994	0,1	292
Самарқанд	742	1180810	1176427	99,6	1176414	99,6	1171041	99,5	4719	0,4	654
Сirdarё	258	302049	300639	99,5	300621	99,5	297963	99,1	2360	0,8	298
Сурхондарё	510	718133	716894	99,8	716854	99,8	716245	99,9	516	0,1	93
Тошкент вилояти	804	1151008	1135619	98,6	1135532	98,6	1127244	99,3	7743	0,7	545
Фарғона	742	1277540	1276162	99,9	1275524	99,8	1271070	99,6	2719	0,2	1735
Хоразм	333	605737	598790	98,8	598770	98,8	596710	99,6	1718	0,3	342
Қашқадарё	665	888081	886132	99,8	886127	99,8	884909	99,8	1120	0,1	98
Қорақалпоғистон	515	673209	672789	99,9	672693	99,9	667050	99,3	4366	0,6	377
Жамии:	7257	11319447	11246141	99,3	11245028	99,3	11199415	99,6	40617	0,3	4996

бундан буён ҳам самарали ҳамкорлик қилиши, мамлакатда барқарорлик ва ижтимоий ҳамжиҳатликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, белгиланган ислоҳотлар ҳамда дастурларни ишонч билан рўёбга чиқариш учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи Марказий комиссия қабул қилган қарорда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ваколатлари муддати умумхалқ овоз бериши натижасида 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган деб ҳисобланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ
МУДДАТИНИ 1997 ЙИЛДАН 2000 ЙИЛГАЧА
УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ
РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ
МАРКАЗИЙ КОМИССИЯ
РАИСИ Қ. АҲМЕДОВНИНГ
АХБОРОТИ

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Хурматли Олий Мажлис депутатлари!

Ҳаммангизга маълумки, шу йил 24 февралда Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласи юзасидан умумхалқ референдумини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Референдум 1995 йил 26 мартга белгиланди.

Ижроия ҳокимияти, яъни Президент бошчилигидаги Вазирлар Маҳкамасининг фаолият муддати билан Қонун чиқарувчи Олий орган—парламентнинг фаолият муддатини бирига мувофиқлаштириш, республикада ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим негизи бўлган сиёсий барқарорлик ва умуммиллий тотувликни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаш зарурлиги ана шундай қарор қабул қилишни тақозо этди.

Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги Қонунга мувофиқ референдумни тайёрлаш ва ўтказиш республика Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилди. Марказий комиссия асосий тадбирларни ишлаб чиқди ва тасдиқлади. Ушбу режага мувофиқ республика ҳудудида 14 округ ташкил этилди.

Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг таклифлари асосида референдум ўтказувчи округ комиссияларининг таркиби тасдиқланди.

Округларда эса участкалар ва участка комиссиялари тузилди. Республикамиз ҳудудида ҳаммаси бўлиб 7257 та овоз бериш участкаси тузилди ва бундан ташқари мамлакатимизнинг чет эллардаги ваколатхоналари қошида 25 участка ташкил этилди.

Референдумда овоз беришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, округ комиссиялари раҳбарлари, тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида семинар-кенгаш ўтказилди. Участка комиссиялари раислари билан ҳам минтақавий семинарлар ўтказилиб, уларда Марказий комиссия ва округ комиссияларининг аъзолари, ҳокимликларнинг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Марказий ва маҳаллий газеталарда, телевидение ва радио орқали чиқишлар ташкил этилиб, уларда вазирликлар, идоралар ҳамда вилоятларнинг раҳбарлари, олимлар ва мутахассислар сиёсий партияларнинг вакиллари умумхалқ овоз беришига қўйилган масаланинг аҳамиятини кенг ёритиб бордилар.

Бюллетенлар, плакатлар ва бошқа зарур ҳужжатларни ўз вақтида тайёрлаш ва етказиб бериш чоралари кўрилди. Округ комиссияларининг таклифлари ҳамда фуқароларнинг иштаклари инobatга олиниб, бюллетенлар ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида тайёрланди. Ҳамма жойда овоз бериш бинолари ўз вақтида тайёрланиб, зарур жиҳозлар ўрнатилди, алоқа йўлга қўйилди, бошқа барча масалалар ҳал қилинди.

Референдумга тайёргарликда меҳнат жамоалари, олий ва ўрта ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари, маҳаллаларнинг, Халқ демократик партияси, "Ватан тараққиёти" партияси ҳамда "Адолат" социал-демократик партиясининг фаоллари кенг иштирок этдилар. Бу эса кўп сонли оммавий митингларда, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишларда, Марказий комиссия номига юборилган телеграмма ва хатларда, сиёсий партиялар қабул қилган қарорларда ўз ифодасини топди. Буларда Олий Мажлиснинг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарори ҳамда Президент ваколатларини узайтириш ҳақидаги таклиф яқдиллик билан маъқулланди.

Марказий, округ ва участка комиссияларининг фаолиятлари очиқ ва ошкора олиб борилди, қабул қилинган қарорлар газеталарда босилиб чиқди, радио ва телевидение орқали эшиттирилди ва кўрсатилди. Референдум пухта тайёрланиб, уюшқоқлик билан амалдаги қонунларга риоя этган ҳолда ва кенг ошкоралик вазиятида ўтказилди.

Умумхалқ референдуми халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Йирик чет эл оммавий ахборот воситаларининг Ташқи ишлар вазирлигида аккредитация қилинган 40 га яқин вакили референдумни тайёрлаш ва овоз беришнинг боришини кенг ёритиб турдилар. Уларнинг ҳаммаси референдум юксак даражада ташкил этилганлигини қайд этдилар.

Овоз бериш республика ҳудудида ва ундан ташқарида тузилган ҳамма участкаларда уюшқоқлик билан, фуқароларнинг юксак фаоллигида ўтди.

Овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 11 миллион 319 минг 447 нафар фуқародан 11 миллион 245 минг 028 нафари ёки 99,3 фоизи референдумда қатнашди. "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?" деган саволга 11 миллион 119 минг 415 нафар киши, яъни овоз беришда қатнашганларнинг 99,6 фоизи ижобий жавоб берди.

Референдум ўтказувчи Марказий комиссия овоз бериш Қонунга тўла мувофиқ ҳолда ўтганлигини қайд этди ва барча округ комиссияларининг баёнлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилгани ҳақида яқдиллик билан қарор қабул қилди.

Шундай қилиб, республика фуқароларининг кўпчилиги Президент Ислон Абдуғаниевич Каримовга юксак ишонч билдириб, давлатни тараққий эттиришнинг Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган йўли тўғри эканлигини тасдиқлади. Умумхалқ иродаси ҳокимиятнинг барча тармоқлари муваффақиятли ҳамкорлик қилиш учун, республикада тотувликни янада мустаҳкамлаш ҳамда белгиланган ислохотлар ва дастурларни ишонч билан амалга ошириш учун шароит яратди.

Референдумга тайёргарлик жараёни, унинг тарихий натижалари халқимизнинг сиёсий онги, ижтимоий фаоллиги янада ўсиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди. Фуқаролар референдумга қўйилган саволга ижобий жавоб бериш билан республикамиз танлаб олган тараққиёт ва равнақ йўлини қатъиян ёқладилар.

Ҳурматли депутатлар!

Сизларнинг номингиздан, референдум ўтказувчи Марказий комиссия номидан мамлакатимизнинг барча халқи томонидан яқдиллик билан қўллаб-қувватланган Ўзбекистон Республикаси Президенти, ҳурматли Ислон Абдуғаниевич Каримовни президентлик ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилганлиги билан чин дилдан табриклашга ва муҳтарам Президентимизга мустаҳкам саломатлик, ана шу юксак давлат лавозимида катта муваффақиятлар тилашга рухсат бергайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ 1997 ЙИЛДАН
2000 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ
ЯКУНЛАРИГА ДОИР АХБОРОТ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан умумхалқ овоз бериши яқунлари ҳақида Референдумни ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ.А.Аҳмедовнинг ахборотини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Референдумни ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ.А.Аҳмедовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Таъкидлаб ўтилсинки, Референдум натижалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга юксак ишончидан, унинг раҳбарлиги остида ўтказилаётган давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга, мамлакатда демократия ва ҳуқуқни янада ривожлантириш, фуқаролар жамиятини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтиш, халқнинг маънавий янгиланиши, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат, сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўлини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси*

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май



Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи
Марказий комиссия раиси Қ.А. Аҳмедов
Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовга
унинг ваколатлари 2000 йилга
қадар узайтирилганлиги тўғрисидаги
Гувоҳномани топширмоқда

Председатель Центральной комиссии
по проведению референдума
Республики Узбекистан К.А.Ахмедов
вручает Президенту Узбекистана И.А.Каримову
Свидетельство о том, что его полномочия
продлены до 2000 года

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

*Президент Ислом Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи*

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишлаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан халқ вакиллари—депутатларимизнинг ҳам чеҳраси очиқ бўлса, бу ҳол олдимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

Биринчи масала. Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иккинчи масала. Ушбу сессиянинг тарихий сана—фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдирмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг яқунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб, уларни яна бир бор аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Аваламбор:

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?

Референдумнинг яқун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу яқунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

Биринчидан: Референдум, ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдават аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг, керак бўлса, бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низоадоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш—буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охиrqоқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом муҳитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

Узоққа бормасдан ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, ўққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборганларида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг яқунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту биродарларимиз, рақиб мухолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим. Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар. Аммо бу ўринда барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг

сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаяётган сиёсатга ўз муносабатларини билдирдилар.

Ҳурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, Умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган бағрикенглик, олижаноблик каби юксак фазилатларни, халқимизнинг эътиқоди баландлигини, онги кенглигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улус фазилатларда, унинг олижаноблигида деб биламан.

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам етакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишласа, у ҳам худди шундай ишонч ва ҳурматга сазовор бўлура эди.

Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чуқур мамнуният билан айтмоқчиман: агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен—ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, иқболини тилаб худдога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.

Қадрли дўстлар, биродарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни—парламентга, Президентга халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.



Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
иккинчи сессиясида нутқ сўзламоқда

Президент Узбекистана И. А. Каримов
выступает с речью на второй сессии
Олий Мажлиса Республики Узбекистан

Референдумнинг якуни танланган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислохотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашга бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган, айрим сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга уринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усуллар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интиломоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпараст, амалпараст айрим кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суяниб, олиб бораётган сиёсатимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини энгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда, жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга интиломоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар—уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу—бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кўтарадиган, улуг мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваламбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс бало-сидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни, худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, озойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтишлар, қадрли дўстлар, юртдошлар, диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч—шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?

Ҳурматли дўстлар!

Дунёнинг кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга —ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислохотларга катта қизиқиш ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларибиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обрў, халқимиз ҳурматида ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, муҳтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни: бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз қўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сўрайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак—буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак—бундай қарор Ўзбекис-

тонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Ўзбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз халқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Галабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта ҳисса қўшган отахон ва онахонларимизни шу улўф айём билан чин дилдан қўтлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, ҳуш кайфият тилайман.

Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёрқин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушида юртимиздан 1 миллион 433 минг 230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо биродарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. Қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, меҳнатга яроқли одамларимизнинг 50—60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бутун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдидан, оилалари, фарзандлари олдидан таъзим қиламиз, бош эгамиз.

Азиз биродарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун ўрнингиздан туриб, бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарасида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш оналаримиз, опа-сингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан "доҳий"ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг ҳаққонийликка, ҳақиқатга ишончини ҳеч қачон сўндира олган эмас.

Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари—Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих—бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасанно-

лар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш—биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида уларни ёлғизлатиб, кўнглини чўктириб қўймаслик учун катта ишларни амалга оширмақда.

Мен бу борадаги қилинган ишларни такрорлаб ўтирмақчи эмасман, лекин бошқа айрим давлатларнинг раҳбарларига ўхшаб, фахрийларимиз, ветеранларимиз учун қилган ишларимизни такрор ва такрор кўз-кўз қилмасдан, бошқалар билан солиштирмасдан, бугун биз—Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати улар олдида доимо қарздор эканини изҳор этмақчиман.

Бугун биз бу мўътабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида—илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин—Ватани ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Миллий истиқлолимизни оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърда "Ватан—саждагоҳимдир" деган фикрни баён қилади.

Чиндан ҳам, ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улўф бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкати қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улўф аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳаққимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик, минтақавий хавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг—Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз—бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг— тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳождати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин гапнинг очиғи, кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингики, ота юртимиз Туркистон—катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш—бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар—ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг

бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак раванқини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишдан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар—ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Тожикистон, ҳам Туркменистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати "Туркистон—умумий уйимиз" деб номланса—айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминиде яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шак-шубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айна муддао бўлур эди.

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини беқарор таъсирларга берилмасдан, изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг бешинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда. Аммо ҳар қандай умидбахш тахмин ва

орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосиллардан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар биримизнинг ҳам ижтимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурон, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса, тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволдан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РЕФЕРЕНДУМ
ОРҚАЛИ УЗАЙТИРИЛГАН ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИНИ
ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИДА БЎЛИШИНИНГ
ИККИНЧИ МУДДАТИ ДЕБ ЭЪТИРОФ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатларини давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисида қўйилган масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и :

1. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган муддатни унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги таклиф референдумга киритилган масала доирасидан чиқиб кетади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш кириштири тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ ҳамда 90-моддасига амал қилиб, сайловчиларнинг ушбу масала хусусидаги фикрлари ўрганиб чиқилсин ҳамда таклифлар Олий Мажлис Кенгашига киритилсин. Шу мақсадда иловага мувофиқ таркибдаги Комиссия тасдиқлансин.

3. Комиссия ўрганиб чиқилган материалларни белгиланган тартибда умумлаштирсин ва Олий Мажлисга маълум қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси

Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1. Халилов Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Раиси (Комиссия раиси).
2. Фуломова Дилбар Муҳаммадхоновна — Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси.
3. Рапиғалиев Бургутали — Наманган вилояти ҳоқими.
4. Усмонов Соиб — уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси.
5. Эшонов Баҳодир Отабоевич — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси.
6. Дониёров Улуғбек Ҳудойбердиевич — "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий кенгашининг котиби.
7. Бобоев Ҳалимбой — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг проректори.
8. Исломов Нурдинжон Мўйдинхонович — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.
9. Ҳамидов Ҳусниддин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Адабиёт ва тиллар институти шўъбасининг мудири.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА
ОЛИЙ МАЖЛИС РАИСИ,
"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ УЗАЙТИРИЛГАН
ВАКОЛАТЛАРИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИДА
БЎЛИШИНИНГ ИККИНЧИ МУДДАТИ ДЕБ ЭЪТИРОФ
ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА"ГИ
МАСАЛАНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИШ
КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ Э.Ҳ.ХАЛИЛОВ
МАЪРУЗАСИ

Ҳурматли депутатлар!

Олдинги сессиямизда тузилган Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президентининг референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти билан боғлиқ масалани Олий Мажлис топшириғига мувофиқ қонун ва халқ олдида, давлатимизнинг бугунги куни ва келажаги олдида катта масъулият ҳисси билан ҳар томонлама пухта ўрганиб чиқди.

Комиссия ўз хулосаларини Олий Мажлисга маълум қилишни менга топширди. Бу хулосалар устида иш олиб борар экан, Комиссия Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Референдум тўғрисидаги Қонунга, кенг жамоатчилик фикрига асосланди.

Ушбу масала юзасидан 22,5 мингдан ортиқ меҳнат жамоаларининг йиғилишлари, маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари бўлиб ўтди, депутатлар сайловчилар билан учрашдилар. Бу йиғилиш ва учрашувларда олти миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этди. Кўтарилган масала юзасидан юз минглаб кишилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, таклифлар киритдилар. Комиссия номига кўпдан-кўп хат ва телеграммалар келди.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, сўзга чиққан одамларнинг мулоҳазаларида ва мурожаатларида ижтимоий мавқеидан, ёши ва жинсидан, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, республика аҳолиси ҳамма қатламларининг ўй-фикрлари, самимий туйғулари, кайфияти яққол ифодаланди.

Шундай қилиб, Комиссиянинг хулосаси мустаҳкам ҳуқуқий негизга таянади, у Ўзбекистон фуқаролари мутлақ кўпчилигининг фикрини, иродасини ифодалайди. Мен ана шуларга асосланиб, Олий Мажлисга Комиссия аъзоларининг қўйидаги хулосаларини баён этмоқчиман:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7-моддасига мувофиқ "халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир".

Конституциянинг 9-моддасида эса "жамиyat ва давлат ҳокимиятининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади", дейилган.

Ва, ниҳоят, Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасида ёзиб қўйилганидек, "референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади". Бу эса уларни ҳеч ким ўзгартира олмайди, демакдир.

Комиссия кўриб чиқилаётган муаммонинг ҳуқуқий мазмуни Конституциянинг ва қонун ҳужжатларининг худди ана шу қоидалари билан белгиланади, деб ҳисоблайди.

Айни вақтда шу йил 26 мартда бўлиб ўтган референдум билан боғлиқ баъзи жуда муҳим масалаларни яна бир бор эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан. Ўзбекистон Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласида референдум ўтказиш ҳақидаги таклиф давлат бошлиғи томонидан эмас, балки Олий Мажлис томонидан илгари сурилди. Бундан кўзланган бирдан-бир мақсад ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини ҳамда ваколатларини вақт жиҳатидан бир-бирига яқинлаштиришдан иборат эди.

Катта давлат аҳамиятига эга бўлган бундай ғоят муҳим қарор парламентимизнинг биринчи сессиясида қабул қилинган эди. Республиканинг олий қонун чиқарувчи органи ўз фаолиятини худди ана шу масъулиятли ва йирик қадамдан бошлади.

Бу қадам унинг сиёсий савияси юқори эканлигидан, амалий ишда ва қонунчилик соҳасида етуқлигидан яққол дарак бериб турибди. Биринчи навбатда, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, демократия ва ҳуқуқни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган жуда катта муаммоларни донолик билан ўртага қўя олишини ҳамда уларни янгича усуллар билан дадил ҳал қила олишини кўрсатмоқда.

Бугун, Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллиги арафасида шуни мароқ билан айтиш мумкинки, Олий Мажлиснинг янги таркиби сиёсий жиҳатдан етук бўлиб, унинг депутатлар корпуси эл ўртасида юксак обрў-эътиборга эга.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида ҳақли равишда айтилганидек, "агар парламент, Президент ва Ҳукумат ўз фаолиятларини тахминан бир вақтда бошласалар, ҳам Президент сайлови, ҳам парламент сайлови чоғида сайловчилар

маъқуллаган дастурни амалга ошириш устида ҳамкорликда ишласалар, бундай қарор Ўзбекистон халқларининг манфатларига мос келишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади".

Иккинчидан. Референдумга тайёргарлик кўриш борасидаги ҳамма ишлар ва унда овоз бериш республика жамоатчилиги, яқин ва узоқ мамлакатлардан келган матбуот вакилларининг ошкора ва талабчан назорати остида ўтди. Уларнинг фикрича, референдумга тайёрланиш ва овоз бериш чоғида демократия нормаларидан, қонун-қоидалардан заррача бўлсин чекинишга йўл қўйилмади.

Бундан ташқари, Президент референдумга тайёргарлик кўриш даврида республика фуқароларига бир марта ҳам бевосита мурожаат қилмади, ўз ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз беришга чақирмади, ҳеч қандай кафолат ҳам, ваъда ҳам бермади.

Яқиндагина ҳаммамиз сайлов кампаниясидан ўтдик. Шу тўғрисида бу кампания нақадар жиддий синов эканлигини, одамдан нақадар зўр сиёсий ирода, маънавий куч талаб қилишини яхши биламиз.

Президент ўз ваколатлари муддатини референдум орқали узайтириш ҳақидаги Олий Мажлис таклифига иш манфатларини кўзлаб розилик берди ва бу оғир синовда чин инсонга хос мардлик кўрсатди, халқ ўртасида янада юксак эътибор ва қадр-қиммат топди.

Учинчидан. Референдумда халқ ўз иродасини эркин билдирди. Барча демократик норма ва расм-русмларга оғишмай амал қилинди. Унда республика фуқаролари мутлақ кўпчилигининг фикри юзага чиқди. Овоз беришда Ўзбекистоннинг катта ёшли аҳолисининг 99 фоизи қатнашиб, бюллетенларда қўйилган саволга қатъий ижобий жавоб берди. Вужудга келган вазият муносабати билан саволнинг мазмунини яна бир синчиклаб назардан кечирайлик.

Референдумда овоз бериш бюллетенига киритилган масаланинг юридик ва мантикий таърифи қуйидагича: "Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддати 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилишига розимисиз?" Бу таъриф фақат бир маънони англатади—гап Президент ваколатларининг амалдаги, яъни биринчи муддатини узайтириш тўғрисида боради. Масаланинг таърифи ва мазмуни бошқа ҳеч қандай талқин қилиниши мумкин эмас.

Шу сабабли Президент ваколатларининг референдум орқали узайтирилган муддатини шу лавозимда бўлишнинг иккинчи муддати деб эътироф этиш, юридик нормалар нуқтаи назаридан қараганда, халқнинг яққол ифодаланган иродасини бузиш

бўлади. Конституция ҳамда референдум тўғрисидаги Қонуннинг юқорида эслатиб ўтилган моддаларига зид келади.

II. ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ НУҚТАИ НАЗАРИ ВА ТАЛАБЛАРИ НИМАЛАРДАН ИБОРАТ?

Президентнинг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини давлат бошлиғи лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш ҳақидаги баёноти аҳолининг барча ижтимоий қатламларини, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларини, республиканинг ҳамма фуқароларини ҳаяжонлантириб юборди. Юқорида айтиб ўтилганидек, иккинчи сессиядан кейин ўтган деярли 4 ой мобайнида меҳнат жамоаларида, аҳоли тураржойларида кўп кишилик йиғилишлар бўлиб ўтди.

Олий Мажлисининг ҳамма депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг депутатлари ўз округларининг сайловчилари билан учрашдилар. Вужудга келган вазият сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ташкилотларида, бошқа жамоат бирлашмаларида муҳокама қилинди, матбуотда, телевидение ва радио орқали кенг ёритилди.

Комиссия барча фикр-мулоҳазаларни, далиллар ва таклифларни синчиклаб ўрганиб чиқди ҳамда уларни умумлаштирган ҳолда сессияга маълум қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Оқсоқолларнинг ҳам, эндигина мустақил ҳаётга қадам қўйган ёшларнинг ҳам, тадбиркор, ишчи ёки фермернинг, барча миллатларга, турли динларга мансуб кишиларнинг ҳам, хуллас республикадаги ҳамма фуқароларнинг чиқишлари ва мурожаатларида Президент олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат қўллаб-қувватланмоқда. Халқ юртбошимизга тўла ишонч билдирмоқда, уни ҳозир ҳам, яқин келажакда ҳам давлат бошлиғи лавозимида кўришни чин дилдан истамоқда.

Республика фуқаролари Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини қўлга киритишини, иқтисодий истиқлолга эришишини, мамлакат хавфсизлигининг мустаҳкамланишини ва жаҳон ҳамжамиятида обрў-эътибори ошиб бораётганлигини И. А. Каримов фаолияти билан боғламоқдалар.

Президентимизнинг принципиал позицияси туфайли республика демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуриш йўлидан қатъият билан дадил одимлаб бормоқда. Бу жамиятда ижтимоий мавқеи ва миллатидан қатъи назар, барча фуқароларнинг ҳуқуқлари таъминланмоқда. Барқарорлик,

тинчлик ва миллатлараро тотувлик ҳукм сурмоқда, қонунга оғишмай амал қилинмоқда.

Ўз тараққиёт йўлимизни танлаб олганлигимиз туфайли республика бозор муносабатлари сари оғишмай илгарилаб бораётганлиги ҳамма ерда таъкидланмоқда. Сизларга яхши маълумки, Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига асосланган иқтисодийга ва бозор муносабатларига ўтиш ҳамдўстликка кирган кўпгина мамлакатлардагидан фарқ қилади.

Бу фарқ шундан иборатки, республикада ишлаб чиқаришда кучли инқироз юз бермади, ўзимизни ёқилги ва энергетика манбалари, озиқ-овқатлар билан таъминлаш каби ҳаётий муҳим йўналишларда сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бермоқда. Халқ хўжалиги тузилишини қайта қуришда катта ишлар амалга оширилмоқда, ўзаро манфаатли ташқи иқтисодий алоқалар ривожланмоқда.

Фуқаролар республикада амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатга жуда юқори баҳо бермоқдалар. Кексалар ва ногиронлар, кўп болали оилалар ва ёшлар тўғрисидаги ғамхўрликни эл-юрт кўриб турибди. Ўтиш даврининг қийин шароитларида шаҳарларни ободонлаштириш, газ ва сув таъминотини яхшилаш, таълим ва соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўлида кўрилаётган чора-тадбирларни халқ қизгин маъқулламоқда.

Маънавиятни қайта тиклаш, миллий анъаналарга қайтиш, одамларнинг диний эътиқоди ва туйғуларини ҳурмат қилиш сари тугилган йўл зиёлилар томонидан ҳам, бутун халқ томонидан ҳам тўла қўллаб-қувватланмоқда. Кўплаб учрашув ва йиғинларда халқ Президентимизни қайта-қайта дуо қилганига сиз—депутатлар ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

Муҳокама жараёнида республиканинг фақат бугунги кунига эмас, балки келажигига ҳам жуда катта эътибор берилди. Ўзбекистон эртага қандай бўлади, болалар ва набираларимизнинг тақдири қандай бўлади, деган савол ҳаммани қизиқтирмоқда.

Республика фуқаролари Президентимизнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасида ва унинг яқинда босилиб чиққан "Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида" деган китобида баён қилиб берилган Ўзбекистонни ривожлантириш истиқболларини, унинг янги асрга қўядиган қадамларини қизгин маъқулламоқдалар ва бир овоздан қўллаб-қувватламоқдалар.

Улар мамлакатимизни ислохотларнинг биринчи, энг оғир босқичидан муваффақиятли олиб ўтган, истиқболни яққол кўрадиган одам бундан буён ҳам Конституция нормаларига мувофиқ давлатимизга раҳбарлик қилиш имконига эга бўлсин, деган қатъий истакни изҳор этмоқдалар.

Республика фуқаролари ўз чиқишлари ва мурожаатларида Президентнинг ҳозир амал қилиб турган ваколатлари муддатини узайтиришни ёқлаб овоз берганликларини тўлқинлаб гапирмоқдалар.

Улар референдумни тайёрлаш ва ўтказиш жараёнида Президентимизнинг халқ иродаси билан узайтирилган ваколатлари мандати бу лавозимда бўлишининг иккинчи муддати деб ҳисоблансин, деган гап йўқ эди-ку, бунга ҳеч ким халқнинг розилигини сўрагани йўқ, халқ бунга розилик бергани ҳам йўқ, бермайди ҳам, дейишмоқда.

Айни вақтда республика фуқаролари Президентнинг баёнотини тўғри тушуниб, унга ҳурмат билан қарамоқдалар. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамияти қуриш йўлида эндигина дастлабки қадамларни ташламоқда.

Президент ўз баёноти билан юксак сиёсий одоб, демократия принципларига садоқат намунасини кўрсатди. Мансабпарастликдан холи эканлигини, халқ фикри ва иродасини чексиз ҳурмат қилишини намойиш этди. Бу эса давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборини ва нуфузини оширади. Бу ҳақ гап.

Лекин қонун бор, яққол ифодаланган халқ иродаси бор. Бинобарин, биз худди шу юксак мезонларга амал қилишимиз керак.

Бу мезонлар эса бирдан-бир ечимни, яъни Ўзбекистон Республикаси Президентининг референдум орқали узайтирилган ўз ваколатлари муддатини ушбу лавозимда бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш ҳақидаги баёнотини қабул қилиб бўлмайди, деб ҳисоблашни талаб қилмоқда. Демак бу масаланинг муҳокамасига чек қўйиш лозим.

Ҳурматли депутатлар!

Қарор Комиссия аъзолари томонидан бир овоздан маъқулланди. Бу масаланинг бошқа ҳеч қандай ечими йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Масаланинг бошқа ҳар қандай ечими Қонунни бузиш, халқнинг аниқ ифодаланган иродасини инкор этиш бўлур эди.

Шу сабабли мазкур масала юзасидан музокара очмасликни таклиф этаман. Вазият жуда ҳам равшан. Инсонлик ва фуқаролик бурчимиз айтиб турибди, келинг Президент теварагида эътиросларни авж олдирмайлик. Агар биз Мустақиллик куни арафасида бу масалага узил-кесил нуқта қўйсак, жуда тўғри бўлади.

Эътиборларингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
ҚАРОРИ
САЙЛОВЧИЛАР ФИКРИНИ
ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН
ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА
ТУЗИЛГАН КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. Олий Мажлис иккинчи сессиясида тузилган Комиссия республиканинг олти миллиондан ортиқ фуқароси фикрини ўрганиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёнотини сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги қўллаб-қувватламади деган хулосага келганлиги ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Меҳнат жамоаларида ва аҳоли тураржойларида бўлиб ўтган 22 мингдан ортиқ йиғилишларда, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг тегишли моддалари мазкур масала юзасидан ўзгача қарор қабул қилиш учун асос бўла олмайди.

2. Қонун ҳужжатларига (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2, 7 ва 9-моддалари ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддаси) амал қилиб ва Комиссия хулосасида баён этилган сайловчилар фикрини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг референдум орқали узайтирилган ваколатлари муддатини президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёнотида изҳор этган илтимоси мақбул эмас ва шу билан мазкур масала муҳокамаси тугаган деб ҳисоблансин.

*Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси*

Э.ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 30 август

ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ШАРАФ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг
Олий Мажлис III сессиясидаги нутқидан*

Муҳтарам халқ депутатлари!

Энди мен учун нозик, энг мураккаб бир масала хусусидаги фикр-мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Хурматли парламентимиз—Олий Мажлис ташаббуси билан Президент ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш масаласига бағишланган умумхалқ референдуми бўлиб ўтди.

Референдум пайтида халқимиз менга жуда юксак ишонч билдирди. Бу ишончдан менинг, шу эл ва шу халқ фарзандининг, бошим осмонга етди.

Бу юксак ишончни оқлаш учун инсон умри камлик қилади. Шунинг баробарида халқимиз менга шундай улкан, буюк масъулиятни ҳам юкладики, мен бу масъулият залворини жуда яхши англайман ва ҳис қиламан.

Муҳтарам биродарлар!

Мен ўтиш даврида, ҳокимият тармоқларининг фаолиятини даврий жиҳатдан ўзаро мослаштирув объектив зарурат эканини тушунганим учун ҳам, Президентлик ваколатларини яна уч йилга чўзишга розилик бердим.

Айни замонда, муҳтарам депутатлардан ва халқимиздан ваколатим чўзилган уч йиллик муддатни Президентлик ваколатларининг иккинчи муддати деб ҳисоблашни илтимос қилган эдим.

Бу хусусда парламентда ҳам, жойларда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам кўп гаплар бўлди.

Хўш, нима учун шу масала кун тартибига қўйилди? Нима мақсадда шу масала Сиз муҳтарам депутатларнинг, Сиз орқали сайловчиларнинг қарорига қўйилди?

Биринчидан, халқимиз олдида бизга ишонч билдирган, ўз тақдирини ишониб топширган инсонлар олдида мансабга интилиш, мансабга ёпишиб олиб, лавозимда туриш муддатини

атай узайтириш ҳеч қачон асл мақсадимга кирмаганини кўрса-тиш, исботлаш керак эди.

Иккинчидан, биз бугун вазиятни, мавжуд бўлган муҳитни албатта инобатга олишимиз шарт эди. Модомики, биз янгича ҳаёт, янгича демократик жамият қурмоқчи эканмиз, модомики жаҳон тажрибасига таянган ҳолда очиқ-эркин, демократик, халқ иродасига асосланган ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган давлат қурмоқчи эканмиз, нафақат яқин-йироқ қўшни мамлакатлар олдида, балки бутун дунё жамоатчилиги олдида ўзимизнинг шу холисона ниятимизни, демократик принципларга содиқ эканимизни намоёйиш қилиш ва Ўзбекистонда қурилаётган янги давлат ва жамият обрўсини кўтаришимиз лозим.

Учинчидан, четда туриб, жамиятимизда устувор бўлган соғлом муҳитни булғатиш, орамизга адоват, низо, норозилик, ҳар хил фитна уруғини сочиб, шундан шахсий манфаат топиш ҳаракатида бўлган ғанимларимизга ҳар хил сафсата, ғаразли, бўҳтон, тўхмат гапларни тўқиб чиқишга имкон бермаслик.

Тўртинчидан, мен Ўзбекистон давлати раҳбари сифатида, ўз шахсий мисолимла мамлакат тарихида, жамиятимиз ҳаётида, энг аввало, ўсиб-униб, кучга кириб келаётган ёш авлодларга ўрнак бўлишни, уларга ибрат беришни хоҳлардим. Мамлакат, вилоят, туман ва умуман ҳар қандай жамоа миқёсида ўз амалига ишониб юрган одамларга, энг аввало, раҳбарларимизга шу ниятни етказишни хоҳлардим.

Бешинчидан, мана шундай ҳаракат, услуб билан бахту саодат лавозимда, мансабда эмас, балки жамиятга, халққа холисона хизмат қилишда, деган ақида биз учун оддий бир одатга айланишини хоҳлардим.

Мана шундай мақсадлар мен Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясида баён қилган фикр замирида мужассамлашган эди. Лекин мен ҳар доим,—нафақат Президент сифатида, балки шахс ва фуқаро сифатида ҳам,—омманинг, жамоанинг, халқимизнинг иродаси-қарори, унинг билдирган ишончи—бутун ҳаётимни, фаолиятимни ҳал қилувчи, тўғри йўл кўрсатувчи раҳнамо, деб қабул қилганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, иншоолло.

Халқимиз иродасига асосланиб, Сиз муҳтарам халқ ноиблари қабул қилган қарор мен учун ҳамиша қонундир.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, бир нарсани айтмоқчиман:

халқимизнинг ваколатли вакиллари — Сиз, муҳтарам халқ
ноиблари билан сафдош, елкадош, ҳамнафас бўлиб, ҳар доим
одамлар қалбидан хабардор бўлиш, уларга ҳар доим садо-
қат, имон ва ихлос билан хизмат қилиш мен учун юксак ша-
рафдир.

МУҶДАРИЖА

МУҚАДДИМА	3
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ РАИСИ ЭРКИН ХАЛИЛОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС I СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ	5
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА	8
УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА	9
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИ ЎТКАЗИЛАДИГАН ОКРУГЛАРНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА	11
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ КОМИССИЯЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА	13
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ	25
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯНИНГ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТИ	26
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ 1997 ЙИЛДАН 2000 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ РЕФЕРЕНДУМИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ КОМИССИЯ РАИСИ Қ. АҲМЕДОВНИНГ АХБОРОТИ	29
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИНИ 1997 ЙИЛДАН 2000 ЙИЛГАЧА УЗАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДАГИ РЕФЕРЕНДУМ ЯҚУНЛАРИГА ДОИР АХБОРОТ ҲАҚИДА	32
ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР. Президент Испом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида сўзлаган нутқи	34
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ УЗАЙТИРИЛГАН ЎЗ ВАКОЛАТЛАРИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИДА БЎЛИШИНИНГ ИККИНЧИ МУДДАТИ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА	46
КОМИССИЯ ТАРКИБИ	47
БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИДА ОЛИЙ МАЖЛИС РАИСИ, "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РЕФЕРЕНДУМ ОРҚАЛИ УЗАЙТИРИЛГАН ВАКОЛАТЛАРИНИ ПРЕЗИДЕНТЛИК ЛАВОЗИМИДА БЎЛИШИНИНГ ИККИНЧИ МУДДАТИ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИШ ТЎҒРИСИДАГИ БАЁНОТИ ҲАҚИДА"ГИ МАСАЛАНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИШ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ Э.Ҳ.ХАЛИЛОВ МАЪРУЗАСИ	48
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ САЙЛОВЧИЛАР ФИКРИНИ ЎРГАНИШ ЮЗАСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА ТУЗИЛГАН КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТИ ТЎҒРИСИДА	54
ХАЛҚҚА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ШАРАФ. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Олий Мажлис III сессиясидаги нутқидан	55

ПО ВОЛЕ НАРОДА

(Материалы референдума Республики Узбекистан
по вопросу продления срока полномочий
Президента Республики Узбекистан
с 1997 до 2000 года)



ПРЕДИСЛОВИЕ

День 26 марта 1995 года навсегда останется в истории нашей страны: именно в этот день по инициативе высшего органа законодательной власти — Олий Мажлиса состоялся всенародный референдум о продлении срока полномочий Президента Республики Узбекистан. Решение о его проведении было принято в полном соответствии с Конституцией Республики Узбекистан.

В ходе референдума абсолютное большинство граждан высказалось за продление полномочий Президента Республики Узбекистан Ислама Абдуганиевича Каримова до 2000 года. Значение этого исторического акта трудно переоценить. Чем была вызвана необходимость такой чрезвычайно важной государственной акции?

